



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 31 май, № 110 (9005)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ИТАЛИЯ ЎРТАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 май куни амалий ташриф билан Қозоғистонга келди.



Остона халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Бош вазири Олжас Бектенов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди. Давлатимиз раҳбари шу куни Остона шаҳрида «Марказий Осиё — Италия» саммитида иштирок этди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтказилган тадбирда Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашдилар.

Учрашувда Марказий Осиё мамлакатлари ва

Италия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, инвестиция ва технологиялар, «яшил» иқтисодиёт соҳаларида шерикликни ривожлантириш, таълим ва маданий дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ўз нутқининг аввалида ушбу тадбир жорий йил апрель ойида Самарқандда ўтган саммитда Марказий Осиё ва Европа ўртасида эришилган стратегик шериклик тўғрисидаги қилишувларнинг узвий давоми эканини таъкидлади.

Ушбу форматда, аввало, мамлакатларимизнинг технологик, саноат ва интеллектуал сало-

ҳиятини инobatга олган ҳолда самарали амалий ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш борлиги қайд этилди.

Бугунги глобал ва минтақавий сиёсатдаги тенденцияларни, хавфсизлик ва тараққиётга нисбатан умумий таҳдидларнинг кучайишини ҳисобга олган ҳолда Италия билан кўп томонлама мулоқотга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, минтақанинг Италия билан кўп асрлик савдо ва маданий алоқалари янги босқичдаги кенг қамровли шериклик учун мустақим пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Кун тартибидagi масалаларга ўтар экан, Ўзбекистон раҳбари «Марказий Осиё — Ита-

лия» форматидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича ўз қарашларини баён этди.

Аввало, қатор долзарб халқаро масалалар юзасидан ёндашувларни мувофиқлаштириш учун ташқи ишлар вазирликлари даражасида мунтазам мулоқотларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, терроризм, экстремизм, радикализм, ғиёҳвандлик моддалари савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашда кўп томонлама шериклик ва махсус хизматларнинг ахборот алмашиш механизмларини йўлга қўйиш тақлиф этилди.

Иқтисодий соҳада давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми уч баробар ошганини мамнуният билан қайд этди. Италиянинг етакчи компаниялари билан технологик ҳамкорлик лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Италия ишбилармон доираларининг инновацион ривожланиш борасида анъанавий кучли мавқеини ҳисобга олиб, мамлакатларимиз савдо-саноат палаталари шафелигида бизнес мулоқоти учун доимий майдон — «Марказий Осиё — Италия» ишбилармонлар клубини ташкил этиш тақлиф қилинди. Тадбиркорлар иштирокидаги бундай учрашувлар ҳар йили минтақа мамлакатлари ва Италия пойтахтларида ўтказилади.

Ўзбекистон Президенти технологиялар трансфери, илгор билим ва тажрибаларни жорий этиш, юқори технологияли саноат ишлаб чиқаришларини ташкил этиш учун қулай шароитларни яратишни назарда тутувчи кўп томонлама Саноат ва технологик ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Мавжуд муваффақиятли тажрибани ҳисобга олиб, минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш; электротехника, кимё, тўқимачилик, чарм, озиқ-овқат ва бошқа қайта ишлаш тармоқлари учун замонавий ускуналар ишлаб чиқариш; бутловчи қисмлар ва саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштириш; Италиянинг етакчи брендлари иштирокида дизайн марказларини ташкил этиш ҳамкорлигининг устувор йўналишлари бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида минтақавий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун Европа оператори бошқарувида махсус индустриал парк ташкил этилаётганини маълум қилди.

Шу билан бирга, Италиянинг «SACE» ва «SIMEST» давлат агентликлари ҳамда қўшма инвестиция фондларини ҳамкорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

«Яшил» трансформация соҳасида Италия билан самарали ҳамкорликни юқори баҳолаб, Ўзбекистон етакчиси углерод чиқиндиларини камайитириш бўйича миллий дастурларни амалга оширишга қўмаклашадиган кўп томонлама платформани йўлга қўйиш орқали кенг қамровли шерикликни ривожлантиришга қачқирди.

Қайта тикланувчи энергетика соҳасидаги лойиҳаларни, жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларига «яшил» энергия етказиб бериш, Италиянинг етакчи ишлаб чиқарувчилари ва муҳандислик компанияларини жалб этган ҳолда корхоналарни аудитдан ўтказиш ва энергия самарадорлигини ошириш, сув инфратузилмаси объектларини модернизация қилиш ва водород технологияларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлик билдирилди.

Тошкентдаги Турин политехника ва Пиза университетлари филиаллари самарали фаолият юритаётганини таъкидлар экан, давлатимиз раҳбари Италиянинг бошқа етакчи олий ўқув юр்தларининг минтақага қизиқиши ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон Президенти муҳандислик, дизайн, сув тежамкорлиги ва биотехнологиялар каби йўналишларда илмий ишланмалар, академик алмашинув ва кадрлар тайёрлаш дастурларини амалга ошириш ва молиялаштириш учун «Марказий Осиё — Италия» илмий-таълим консорциумини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Етакчи туроператорлар ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш ва қўшма сайёҳлик маҳсулотларини яратиш мақсадида туризм альянсини ташкил этишдан манфаатдорлик билдирилди.

Италия жамоатчилиги Рим ва Флоренцияда ўтказилган кўргазма ва маданий тадбирларга катта қизиқиш билдиргани мамнуният билан қайд этилди.

Шу муносабат билан келгуси йили Хива шаҳрида минтақа мамлакатлари ва Италия ёшларининг креатив иқтисодиёт ва маданий алмашинув форумини ўтказиш тақлиф қилинди.

Саммитда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва Италия Бош вазири ҳам нутқ сўзладди. Тадбир якунида Қўшма баёнот қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга амалий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ИТАЛИЯ» САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Саммитни юксак даражада ташкил этгани ва анъанавий меҳмондўстлик учун Қозоғистон Республикаси Президенти, ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелович Тоқаев шашынга айтилган миннатдорлик сўзларига қўйиламан.

Италия Вазирлар Кенгаши Раиси, ҳурматли Жоржа Мелони хонимга бугунги учрашувни ташкил этиш ҳақидаги ташаббуси учун яна бир бор ташаккур изҳор этаман.

Биз ушбу анжумани яқинда Самарқанд шаҳрида ўтказилган саммитда Марказий Осиё минтақасининг Европа билан стратегик шериклиги ҳақида эришилган қилишувлар натижаси, деб билишимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ўзбекистон томонини ушбу форматдаги самарали амалий ҳамкорликни, аввало, мамлакатларимизнинг технологик, саноат ва интеллектуал салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришга қатъий азму қарор қилган.

Ҳурматли саммит иштирокчилари! Учрашувимиз учун тақлиф этилган кун тартибининг тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Глобал ва минтақавий сиёсий жараёнларнинг бугунги реал шароитида, хавфсизлик ва тараққиётга умумий таҳдидлар кучайиб бораётган бир пайтда Италия билан кўп томонлама мулоқот майдонини ишга туширишимиз нихоятда зарур эди, деб ҳисоблайман.

Мамлакатларимизни кўп асрлик савдо ва маданий алоқалар тарихи ўзаро боғлаб туришини ҳам алоҳида қайд этишни истар эдим. Илк дипломатик алмашувлар Кушонлар подшоҳлиги ва император Август ҳумронлиги давrigа тўғри келади. Бундан минг йиллар муқаддам солномачилар, шоир ва мутафаккирлар шаҳарларимиз юқори даражадаги цивилизациявий тараққиётга эришганини қайд этишган.

Яна бир далил — XII асрдан бошлаб италиялик олимлар Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Синонинг бебаҳо асарларини ўрганишган ва таржима қилишган. Минтақамиздан етишиб чиққан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон

Беруний, Абдурахмон Жомий, Махтумқули Фироғий ва бошқа машҳур мутафаккирлар асарларининг ноб нусхалари Италия кутубхоналарида асраб-авайлаб сақланмоқда.

Муносабатларимизнинг бундай бой тарихи янги босқичда кенг қўлламли шериклик учун мустақим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳурматли ҳамкасблар! «Марказий Осиё — Италия» форматида ўзаро ҳамкорликнинг устувор жиҳатлари ҳақидаги қарашларимиз борасида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Сиёсий соҳада ташқи сиёсат идоралари даражасида доимий мулоқотларни давом эттириш тарафдоримиз. Халқаро кун тартибида ўзаро мувофиқлаштириш ва қилишилган ёндашувларни талаб этадиган бир қатор долзарб масалалар мавжуд.

Италия Бош вазири, ҳурматли Мелони хонимнинг Украина атрафидagi вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш учун тўғридан-тўғри музокараларни тезроқ бошлаш бўйича фаол дипломатик саъй-ҳаракатларини олқишлаймиз.

Сизнинг Яқин Шарқ муаммоси ва Афғонистон билан ҳамкорлик истиқболларига оид қарашларингиз учун миннатдорлик билдираман.

Кеча Самарқандда биз бу нозик масалаларни батафсил муҳокама қилдик ва ёндашувларимиз ўхшаш эканини қайд этдик.

Терроризм, экстремизм, радикализм, наркотрафик ва ноқонуний миграцияга қарши курашишда кўп томонлама форматларда ишчи механизмларни ва махсус хизматларимиз ўртасида ахборот алмашишини йўлга қўйишни тақлиф этаман.

Иқтисодиёт соҳасида сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ва инвестициялар ҳажми салкам уч баробар ўсганини таъкидлайман.

Италиянинг етакчи компаниялари билан биргаликда технологик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Мамлакатни инновацион ривожлантиришда Италия ишбилармонлар ҳамжамия-

тининг анъанавий кучли позициясини инobatга олиб, савдо-саноат палаталаримиз шафелигида бизнес-мулоқот учун доимий майдон — «Марказий Осиё — Италия» ишбилармонлар клубини тузишни тақлиф этаман. Тадбиркорларнинг кенг иштирокидаги бундай учрашувлар ҳар йили мамлакатларимиз пойтахтларида ўтказилиши ҳамда савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик учун янги имкониятлар очилиши мумкин.

Биз, шунингдек, кўп томонлама Саноат ва технологик кооперация дастури ишлаб чиқирилиши ва қабул қилиниши муҳим, деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда гап технологиялар трансфери, илгор билимлар ва энг яхши амалиётларни жорий этиш, юқори технологик саноат корхоналарини яратиш учун қулай шароитларни шакллантириш ҳақида бормоқда.

Мавжуд муваффақиятли тажрибани инobatга олиб, минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, электротехника, кимё, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва бошқа қайта ишлаш соҳалари учун замонавий асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш, эҳтиёт қисмлар ва саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштириш, Италиянинг етакчи брендлари билан ҳамкорликда дизайн марказларини яратиш кооперациянинг муҳим йўналишларига айланиши мумкин.

Минтақавий аҳамиятга молик бўлган лойиҳаларни амалга ошириш учун Тошкент ҳудудида Европа оператори бошқаруви остида махсус саноат паркни яратиш ишларига киришдик.

Кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун Италиянинг «SACE» ва «SIMEST» давлат агентликлари, шунингдек, қўшма инвестиция жамғармаларини жалб қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз Италия ҳукумати билан «яшил» трансформация соҳасидаги самарали ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Зарарли газлар чиқаришни қисқартириш бўйича миллий дастурлар ижросига қўмаклашишга қаратилган кўп томонлама платформаларни ишга тушириш орқали кенг қўлламли шерикликни ривожлантиришга умид қиламиз.

Италиянинг етакчи ишлаб чиқариш ва муҳандислик компанияларини жалб этган ҳолда қайта тикланадиган энергетика, жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларига «яшил» энергия етказиб бериш, корхоналар аудити ва энергия самарадорлигини ошириш, сув инфратузилмалари объектларини модернизация қилиш, водород технологияларини ривожлантириш соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишга тайёрмиз.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳақида сўз юритганда, ўзининг таълим дастурларини сезиларли равишда кенгайтириб бораётган Турин политехника ва Пиза университетларининг Тошкентдаги филиаллари самарали фаолият кўрсатаётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Италиянинг бошқа етакчи олий таълим муассасаларининг минтақамизга нисбатан ортиб бораётган қизиқишини олқишлаймиз.

Муҳандислик, дизайн, сувни тежаш ва биологик технологиялар каби йўналишларда илмий ишланмалар яратиш ва молиялаштириш, академик алмашувлар ва кадрлар тайёрлаш дастурлари учун «Марказий Осиё — Италия» илмий-таълим консорциумини ташкил этиш ташаббусини илгари суримиз.

Етакчи операторлар ўртасида шериклик алоқаларини йўлга қўйиш ва қўшма туристик маҳсулотларни яратиш учун сайёҳлик альянсини ишга туширишдан манфаатдормиз.

Яқинда Рим ва Флоренция шаҳарларида ўтказилган кўргазма ва маданий тадбирлар италиялик дўстларимизда жуда катта қизиқиш уйғотганини таъкидлаш ўринлидир.

Шу муносабат билан келгуси йили Хивада минтақа мамлакатлари ва Италия ёшларининг Креатив иқтисодиёт ва маданий алмашувлар форумини ўтказишни тақлиф этаман.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Нутқимнинг якунида Ўзбекистон «Марказий Осиё — Италия» форматида ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга содиқ эканини яна бир бор тасдиқлайман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизга хос меҳр-оқибат, инсонпарварлик, шукроналик, саховат ва бағрикенглик каби эзгу фазилатлар тимсоли бўлган, асрлар давомида маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутиб келаётган муборак Қурбон ҳайитининг аҳамияти Янги Ўзбекистонда ижтимоий давлат барпо этиш жараёнлари ҳал қилувчи босқичга қираётган бугунги шароитда тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб ҳамда ушбу кулгў айёмини ҳар томонлама муносиб қутиб олиш ва ўтказиш, шунингдек, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида **қарор қиламан:**

1. 2025 йилда муборак Қурбон ҳайитининг биринчи куни **6 июнь — жума** кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда **6 июнь** Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Аҳолининг Қурбон ҳайити байрамини муносиб ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида 2025 йил **7 июнь (шанба)** куни олти кунлиқ иш ҳафти тартиби бўйича ишлайдиган ходимлар учун қўшимча дам олиш куни этиб белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Қурбон ҳайитини халқимизнинг **миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда** ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Туризм қўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида **мўтабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларини ташкил этиш** мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тасвია этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 30 май

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ОММАЛАШТИРИШ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдаги мажлисида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилиш

Унда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Орал Атаниязова, ҳудудга бириктирилган парламент аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, зарур инфратузилмалар яратилмоқда. Соҳадаги ислохотлар натижа-сида аҳолининг саломатлиги кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар кузатиляпти. Хусусан, мамлакатимизда ўртача умр қўрши давомиийлиги 2010 йилдаги 72,9 ёшдан 2024 йилда 74,7 ёшга етди.

Ўтган даврда соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, Президентимизнинг ушбу йўналишга оид 80 дан ортиқ Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Давлат бюджетидан спортга ажратилаётган маблағ 1,5 трлн. сўмдан 3 трлн. сўмга етказилди. 101 та йирик спорт объекти янгидан қурилиб, 67 таси реконструкция қилинди.

Мажлисда парламент палаталари томонидан ишлаб чиқилган махсус тавсиялар асосида маҳаллий Кенгашлар сессияларида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича мунтазам муҳокамалар ўтказилаётгани таъкидланди. Хусусан, жойларда кенг тарғибот-ташвиқот ишлари юргизилиб, аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллиқни ошириш бўйича амалиётлар тобора кўп ўтказилмоқда.

Йиғилишда мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари ҳам эшитилди ва Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Шунингдек, аҳоли орасида амалга оширила-диган тарғибот ишларига “маҳалла еттилик”, но-давлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фаол фуқароларни кенг жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

Мажлис якунида мазкур устувор вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши усти-дан депутатлик назоратини кўчайтириш юзаси-дан келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

АЖРАТИЛГАН ЕРЛАР ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ



Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши билан биргаликда ўтказилган сайёр мажлисда ёшларга ер ажратиш, уларнинг даромадларини кўпайтириш ва бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Сенат қўмитасида

Бу борада шу пайтга қадар амал-га оширилган ишлар статистикасига кўра вилоятда 7027 нафар ёш “ма-ҳалла еттилиги”нинг тавсиясига асо-сан “Онлайн маҳалла” электрон плат-формасига киритилган. Уларга деҳ-қон ҳўжалиги ташкил этиш учун 14,2 минг гектар ер майдони 28,3 минг-та лотга ажратилиб, танловга чиқа-рилган. Биргина 2024 йилда қарийб 3 минг гектар ер майдони электрон он-лайн аукцион савдоларига чиқарилиб, 6065 нафар ёшга ажратиб берилган.

Эътиборлиси, ўтган йили ёшлар томонидан етиштирилган 20,8 млрд. сўмлик 50,7 минг тонна маҳсулот экспорт қилинган.

Ер майдонларини ижарага олган ёшлар “темир дафтар”, “аёллар даф-тари”, “ёшлар дафтари”да қайд этил-ган ва улар учун барча имтиёз ва преференциялар сақлаб қолинган.

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Евроосиё гуруҳи (ЕОГ)нинг жиний даромадларини легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича аъзо давлатларнинг IV парламентларо форумида иштирок этди. Ушбу форум Москва шаҳрида ЕОГнинг 42-ялпи ҳафталиги доирасида ўтказилмоқда.

Тадбир

Тадбирда Евроосиё минта-қасидаги 15 дан ортиқ давлат-лар, шунингдек, Яқин Шарқ, Африка ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳамда 20 дан зиёд халқаро ташкилот-

ларнинг 200 дан зиёд деле-гатлари иштирок этди.

Форум доирасида жиний даромадларни легаллаштириш-га қарши курашиш бўйича қонунчилик чора-тадбирлари, уюшган жиноятчилик ва терро-ризмни молиялаштиришга чек қўйиш воситаси сифатида ак-

БИЛИМ ВА АМАЛИЁТ ЎЙҒУНЛИГИ

“Академик ва ёшлар” III анъанавий конгресс доирасида Олий Мажлис Сенати аъзолари Наманган давлат техника университетиди ўрганиш ишлари олиб борди.

Мулоқот

Хусусан, сенаторлар Б. Абдуллаев, О. Маматкаримов ва Ш. Аюпов универси-тетда яратилган замонавий таълим ва ил-мий таъдиқот шароитлари, лаборатория-лар, инновацион марказлар ҳамда тала-баларга яратилган имкониятлар билан та-нишди.

Олий ўқув юртида техник йўналишларда олиб борилаётган ривожланиш стратегияси, ёш олимлар билан ишлаш тизими сенато-рлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Шу жойнинг ўзиди айни пайтда ушбу университетда тахсил олаётган ёшлар би-лан ҳам мулоқот уюштирилди.

ХАЛҚИМИЗ ИШОНЧИ, ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ КАФОЛАТИ

Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, аҳоли муурожаат-ларини ўрганиш, уларга ижобий ечим топиш мақсадида ўз сайлово округ-ларида бўлиб, қатор учрашувлар ўтказмоқда. Уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунларнинг маз-мун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилляпти. Депутатларнинг сай-ловчилар билан очик мулоқотлари, долзарб масалалар юзасидан ўтка-заётган ўрганишлари мунтазамлик касб этаётгани жойлардаги муаммо-ларни аниқлаш ва уларга ижобий ечим топишда муҳим омил бўлаётир.

Депутатлар — ҳудудларда

Тарихий манзилгоҳлар ҳимояси таъминланади

Президентимиз раислигида шу йил 26 май куни маҳаллий санатни ривож-лантиришга қаратилган устувор вазифа-лар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳадаги мавжуд вазият ту-ман (шаҳар) ва соҳалар кесимида таҳ-лил қилиниб, маҳаллий санатни қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим ташаббуслар илгари сурилганди.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Миллий тик-ланиш” демократик партияси фракция-си раҳбари Алишер Қодиров бошчили-гидаги ишчи гуруҳ Навоий вилоятида ўрганишлар олиб бормоқда.

— Сафаримиз бежиз Навоий вилоят-дан бошланмади. Ўзбекистонда сана-от ишлаб чиқариш камайган ва бунга 29 та туманда кўрсаткичлар пасайгани сабаб бўлган. Уларнинг учтаси Навоий-да, — деди фракция раҳбари дастлаб вилоят марказида “Муҳташам мебел-лар” корхонаси фаолияти билан тани-шув чоғида.

150 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхона нафақат ички, балки Россия, То-жикистон ва Қирғизистон бозорларига ҳам маҳсулот сотляпти. Мутасаддилар би-лан ишлаб чиқариш қувватини ошириш, янги иш ўрни ва миллий брендини яратиш масалалари муҳокама этилди.

Ишчи гуруҳ Кармана туманидаги На-воий иссиқлик электр станциясида ҳам бўлиб, бу ердаги ҳолат билан танишди.

Хозирги кунда ушбу ИЭСда ишлаб чиқариш ҳажми пасайган. Депутатлар бу масалани жойига чиқиб ўрганганида маълум бўлишича, корхона муқобил энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг ортшичи ва тежамкор истеъмол ҳисобига ишлаб чиқаришни камайтирган.

Бу бўйича атрофлича фикр-мулоҳаза-лар билдирилиб, тегишли таклиф ва та-виялар берилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари

Навбахор туманида очик осмон остида-ги музей — Сармишсов дарасидаги қоятош тасвирлари қандай сақланаётга-ни ва туристларга яратилган шароитлар билан танишди. Бағрида 10 мингдан ортиқ петроглифларни жамлаган тари-хий манзилгоҳ аслида ажодларимиз бу ерда етти минг йил олдин ҳам яшагани-ни тасдиқляпти.

Мулоқот давомида бу суратлар од-дий битиклар эмаслиги, уларда аждо-ларимиз маданияти, яшаш тарзи, тари-хи акс этгани, шу боис қоятош суратла-рини халқимизнинг бебаҳо бойлиги си-фатида асрашимиз кераклигини айтиб ўтилди.

Одамларда тарихимизга бўлган муно-сабатни ўзгартариш учун ҳудуд муҳофа-засини кучайтириш, ҳодимлар сони ва маошини ошириш, туристлар учун пул-лик хизматларни кўпайтириш таклифи берилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти ўрганилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-даги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракция-си раҳбари Робохон Маҳмудова Бухоро вилоятининг Гиждуовон туманида бўлиб, қадимий хунармандчилик марказининг фаолияти билан яқиндан танишди.

Гиждуовон қулпочилик мактаби раҳба-ри, мохир уста қулол Алишер Нарзулла-ев билан учрашиб, миллий хунармандчи-лик ривожини, “Устоз — шоғирд” анъанала-ри ва тадбиркорлик фаолияти, туристик хизматлар ҳамда бу борада амалга оши-рилаётган ташаббуслар билан қизиқди.

Учрашувда давлатимиз раҳбарининг ҳудудларда маҳаллий санатни ривож-лантиришга қаратилган ташаббуслари ва бу борада яратилаётган кенг имконият-лар ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, мамлакатимизда тадбир-корлиқни ривожлантириш, аҳоли, бирин-

чи навбатда, ишсиз ёшлар ва аёлларни касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга қўмаклашиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида маълумотлар берилди. Қола-верса, аҳоли вакиллари, тадбиркорлар муурожаатлари тингланиб, уларни бартар-аф этиш чоралари қурилди.

Кейинги манзил — Гиждуовон тумани-даги Қўрғон маҳалласи бўлди. Бугунги кунда ушбу маҳалла фақат ўзининг қадим-ий обидалари билан эмас, балки аҳоли-нинг бандлигини таъминлаш, туризмни ривожлантириш ва яшаш шароитларини яхшилаш йўлидаги фаол сазй-ҳаракат-лари билан ҳам диққат марказида ту-рибди.

Маҳалладаги 513 та хонадоннинг ет-титасида субсидия асосида меҳмон уй-лари ташкил этиш режалаштирилгани ҳудуднинг туристик инфратузилмасини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Бу лойиҳа нафақат аҳолининг да-ромад манбаини кенгайтиришга хизмат қилади, балки вилоятнинг анъанавий меҳмондўстлигини замонавий сервис билан уйғунлаштирган ҳолда, сайёҳлар-га янгича тажриба тақдим этиш имкони-ятини ҳам яратди.

Маҳалла аҳолиси билан мулоқот чо-ғида уларнинг ўз салоҳиятларини тўлиқ намоён этиш, меҳмонларни юқори да-ражада қабул қилиш, анъанавий хунар-мандчиликни ривожлантириш ва тарихий обидаларни келажак авлодлар учун сақлаб қолиш йўлидаги ташаббуслари юқори баҳоланди.

Учрашувлар давомида фракция раҳ-бари “Нодирбағим” текстиль корхона-си фаолияти билан ҳам танишди. Даст-лаб ўз фаолиятини 7 нафар ишчи-ҳодим билан бошлаган ушбу корхонада бугун-ги кунда 143 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Ушбу корхонанинг Гиждуовон тумани-даги Гулистонобод маҳалласида жойлаш-ган яна бир филиалида ўнлаб аёллар фаолият юртляпти. Энг муҳими, ҳар икки корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсу-лотлар ички бозорда харидоригир.

Экологик хавфсизлик — барқарорлик омили

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-даги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Абдушукр Ҳамзаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Сирдарё ви-лоятида ўрганишлар олиб бормоқда.

Улар қабул қилинган қонунларнинг ижроси, 2025 йилги давлат дастурида белгиланган экологик йўналишдаги ва-зифаларнинг бажарилиши ҳамда ҳудуд-

да экологик барқарорликка эришиш бо-расида амалга оширилаётган кенг қўлам-ли ишлар ҳолатини ўрганмоқда.

Илк манзил — “Энероск” масъуляти чекланган жамияти бўлди. Бу ерда улар корхона неғизида барпо этилаётган 1573 МВт қувватга эга “Сирдарё-2” бу-газ электростанцияси қурилиши лойиҳа-си билан танишди. Лойиҳа доирасида атроф-муҳитга таъсири минималлашти-риш ва экологик хавфсизлик чоралари-ни кучайтириш зарурлиги айтилиб, масъ-уллаarga тегишли тавсиялар берилди.

Депутатлар Ширин шаҳри ва Боевўт тумани ҳудудидagi қиймати 1,1 млрд. доллар, қуввати 1500 МВт бўлган замо-навий иссиқлик электр станцияси фао-лиятини ҳам қўздан кеңирди.

Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси томонидан қурилган ушбу электростанция тўлиқ қувватда фаолият юртмоқда. Мазкур лойиҳа мин-тақанинг энергетик хавфсизлигини мус-таҳкамлаш, санот салоҳиятини ошириш ва барқарор электр таъминотини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этапти.

ИЭС энг янги технологиялар асосида барпо этилган бўлиб, тежамкорлик ва экологик хавфсизлик жиҳатидан замона-вий халқаро стандартларга тўла мос ке-лади. Станциянинг ишга туширилиши ор-қали юзлаб иш ўринлари яратилган.

Учрашувлар давомида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан “яшил” техноло-гиялардан самарали фойдаланиш, электростанция атрофида “айил бел-боғ”ларни барпо этиш юзасидан тегиш-ли таклиф-тавсиялар берилди.

Фуқаро муурожаати ижобий ечим топди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Барно Бердиева Хоразм вилоят-ида бўлиб, сайловчилар билан учрашди.

Депутат дастлаб “Давлат-хусусий ше-риклик тўғрисида”ги Қонун ижросини ижтимоий соҳа кесимида ўрганиш мақ-садида Урганч шаҳридаги “Урганч Бунёдкорлик” нодавлат мактабига таълим муассасаси ҳамда “Akademik kids” оилавий нодавлат мактабига таълим ташкилотда бўлди. Бу ерда мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида дав-ра суҳбати ташкил этилди.

Қизгин руҳда кечган давра суҳбати давомида давлат-хусусий шериклик ри-вожига тўқинлик қилаётган айрим му-аммоларни ўрганиш ҳамда бу борада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиё-тини такомиллаштириш бўйича фикр-му-лоҳазалар билдирилди. Мазкур муасса-саларда фаолият кўрсатувчи ишчи-хо-

ционга чиқарилган 725 гектар ер майдонидаги 1473 та лотнинг голиб-лари аниқланган бўлса-да, давлат рўйхатидан ўтказилмаган.

Мажлисда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларнинг турларига ҳуқуқий маком берилмаганлиги ерлар-нинг тоифалар ва турларга бўлини-шини қайта кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатаётганлиги, доимий сув ман-баси бўлмаган ерларни ҳисобга олиш-да “шартли сугориладиган ерлар” ту-шунчасини жорий қилиш зарурати юзага келаётганлиги айтилди.

Сенаторлар томонидан соҳага оид ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилган ҳолда қонунчиликни такомил-лаштириш юзасидан таклифлар тай-ёрлаш, аграр соҳада банд бўлган ёшлар тўғрисидаги маълумотларни тегишли вазирлик ва идоралар тизи-мига интеграция қилиш, ажратилган ер майдонларида етиштириладиган экин турлари ва улар миқдорининг доимий мониторингини юритиш, юқори қийматли экспортбоп маҳсу-

лотлар етиштиришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, ишсиз, ижтимоий дафтарларга киритилган ёки хориж-да ишлаб қайтган ёшларга такро-рий экин экиш учун ер майдонла-рини ажратиш, деҳқон ҳўжаликлари ташкил этиш ҳамда мева-сабзавот кооперациясини ривожлантириш бўйича аукционга чиқарилган ер майдонларига талабгорларни кенг жалб қилиш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатларига ёшларга ер ажратиш, уларнинг даромадлари-ни кўпайтириш ва бандлигини таъ-минлашга қаратилган ишлар юзаси-дан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кўчайтириш бўйича та-всиялар берилди.

Мазкур масала юзасидан қўмита-нинг тегишли қарори қабул қилинди.

МАҚСАД — САМАРАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан гендерга йўналти-рилган бюджетлаштиришни Ўзбекистон амалиётига жорий этиш юзасидан маҳаллий Кенгаш депутатла-ри учун семинар ўтказилди.

Семинар

Унда сенаторлар давлат молиясини бошқаришни та-комиллаштириш, хусусан, гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш тизимини жорий этиш бўйича сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотларга алоҳида тўхталди. Гендер таҳлилини режалаштириш ва молия-лаштириш жараёнларига ин-теграция қилиш орқали жа-мийатимизнинг турли эҳтиёж-ларига жавоб берадиган ва бюджет маблағларининг барча жиҳатини инобатга олган ҳолда тақсимлайдиган янада самаралироқ молия-лаштириш тизими яратилиш-ига уруғ берилди.

Хусусан, ушбу тизим биз-га янада шаффоф, инклю-зив ва натижага йўналтирил-ган давлат молиясини тақ-дим этишда ёрдам бериши, бу эса миллий ривожланиш

устуворлигимиз ва мақсад-ларимизга эришиш учун асосий восита бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбир доирасида ген-дерга йўналтирилган бюд-жетлаштиришга оид методо-логияларни такомиллашти-риш, халқаро тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга жо-рий этиш бўйича таклифлар илгари сурилди. Сенат аъзо-лари ушбу йўналишда мам-лакатимизда мавжуд имко-ниятлар ва истиқболдаги ре-жалар юзасидан ўз фикр-му-лоҳазалари, таклиф ва та-всияларини билдирди.

Семинарда, шунингдек, гендерга сезгир бюджет-лаштириш тизимини ри-вожлантириш бўйича кел-гуси режалар муҳокама қилинди ҳамда ҳудудий да-ражада уни жорий этиш ме-ханизмлари юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

ўз назоратига олиб, мутасаддилар би-лан биргаликда ушбу масалага ижобий ечим топишини билдирди.

Депутат, шунингдек, маҳалладаги 55-умумий ўрта таълим мактабига ҳам бўлиб, ёшларнинг сифатли таълим оли-ши учун яратилган шароитлар, қўшима фан ва ижодий тўғарақлар фаолияти би-лан яқиндан танишди.

Натижада таълим муассасасида эришилаётган ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам борлиги аниқ-ланди. Ушбу масалалар ечими бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Болаларга эътибор — келажакка пойдевор

Юртимизда болаларнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши, улар учун мўносиб таълим-тар-бия, парварishi ва хавфсиз муҳит яратиш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифати-да қаралади.

Шу маънода, Олий Мажлис Қонунчи-лик палатаси депутати Елена Комполь-шиқ Самарқанд шаҳридаги 56-давлат мактабига таълим ташкилоти фаолият-ини ўрганди. Асосий эътибор муасса-сада яратилган шароитлар, болаларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича қўриладиган чора-тадбирлар, озик-овқат маҳсулотларининг сифати, гигиена, шунингдек, педагог-тарбиячи-ларнинг малакаси ва меҳнат шароитла-ри қай даражада эканига қаратилди.

Болаларнинг овқатланиш жадвали, рўйхатдаги таомлар таркиби, санитария қоидаларига риоя қилиш даражаси, тиб-бий кўрик ва профилактик хизматлар кўрсатилиши бўйича аниқ маълумотлар тўпланди.

Депутат томонидан муассаса маъму-рияти ва ҳодимлари билан суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва муаммолари тингланди. Қатор ижобий натижалар билан бирга жойлар-да хал этилиши лозим бўлган айрим ма-салалар ҳам айтилди. Айниқса, таъмир-талаб иншоотлар, моддий-техника база-ни яхшилаш, кадрлар салоҳиятини оши-ришга доир тавсиялар ишга чиқилди.

Халқ вакилининг қайд этишича, ушбу ўрганишлар, аввало, мактабга таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишлар юзасидан амалий ҳулосалар чиқаришга, қолaversа, болаларнинг соғлом ва хавфсиз муҳитда тарбия топишини таъ-минлаш бўйича янада самарали чора-тад-бирларни белгилашга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

...Гувуллаган Орол шамоли Устюрт бўйлаб кум барханларини олислаб кетган тўлкинлар томон учиради. Бийдай саҳро бағрида бағрикенг, сабрий, қатъятли халқ яшайди. Қорақалпоғистонликларнинг кўзларида мовийранг осмон акс этса, онгу шуурида чўлу биёбонни гулу гулзорга айлантириш истаклари унади. Қалблар кўрида эса бир улкан умид бор. Ана шу умиднинг энг буюк намунаси бу — болалар.

Қорақалпоғистон. Ҳаво қуруқ-нам, чучук сув тақчил, табиати оғир воҳа. Бир пайтлар қирғоқларида ҳаёт қайнаган Орол денгизи фожияси асоратларига қарши бугун мисли кўрилмаган миқёсда кураш олиб борилмоқда. Шу маънода ўлканинг эртаси саналган қорақалпоғистонлик болаларнинг саломатлиги муҳофазаси, муносиб шароитларда таълим олиши, бахтли болалик муҳитида масрур яшаши учун зарур чора-тадбирлар кўрилаётир. Бу диёр болаларининг кулгиси баланд янгрисин, кийқириклари оламни тутсин, шодликлари дунёга татисин. Давлат сиёсатидаги энг устувор йўналишлардан бири ҳам шу.



ОРОЛЬЎЙИНИ ЯШНАТАЁТГАН НИҲОЛЛАР

Ёз – ўтади соз

Навбатдаги узоқ кутилган таътил мавсуми бошланди. Қорақалпоғистон Республикасида болаларнинг ёзги таътилини хавфсиз, мазмунли ва ёрқин ўтказиш учун кенг қамровли аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

— Жорий мавсумда Қорақалпоғистон Республикасида 23 минг 890 нафар ўғил-қизнинг мазмунли дам олиши ва соғломлашувини таъминлаш режалаштирилган, — дейди Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Қорақалпоғистон бошқармаси бошлиғи Раҳман Мадримов. — Ундан ортиқ стационар оромгоҳларда, шунингдек, Мўйноқдаги “Оқ кема”, Тахياتошдаги “Айдин жол”, Нукусдаги “Туран” каби замонавий дам олиш масканларига 7 минг 140 нафар бола қабул қилинади. Ёшлар марказлари, мусика ва санъат мактаблари, спорт иншоотларидаги 69 та майдонча эса яна 16 минг 750 нафар боланинг ёз фаслини унумли ўтказиши учун ҳозирлаб қўйилди.

Воҳада ҳар йили ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила-лар фарзандларига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, биргина ўтган йилда ушбу тоифадаги уч минг нафар бола “Оқ кема”, “Орол болалари”, “Оқ кабутар”, “Айдин жол”, “Арал”, “Туран” оромгоҳларида дам олган. Ушбу болаларнинг ҳар бири учун оромгоҳ харажатлари Давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Шу мақсадда департамент ҳузуридаги жамғарма томонидан ҳар бир йўлланманинг 50 фоизи миқдориди субсидия ажратилиб, жами 3 миллиард

294 миллион 400 минг сўм маблаг сарф этилди.

Мазкур ишларнинг бари Президентимизнинг 2024 йил 29 майдаги қарорига асосан амалга оширилди. Қарорга мувофиқ қасаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги оромгоҳларда болаларнинг дам олиши ва соғломлашуви харажатларининг бир қисмини қоплаш учун йўлланма нарҳининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда компенсация тўлаш белгилаб берилган.

Ўзлаб болаларни бағрига чорлаган оромгоҳлар фақатгина дам олиш маскани вазифасини ўтмайди. Балки янгидан-янги билимлар улашади-



ган маънавий муҳит, саломатлиқни мустаҳкамлайдиган жой бўлиб, қучоғида юзлаб қорақўларга унутилмас болалик завокни улашади. “Миллий қадриятлар кўни”, “Болалар фестивали”, “Ватанпарварлик дарслари”, “Спорт ва саломатлик” каби ўн икки кунлик намунавий дастур орқали ҳар бир бола муносиб дам олиши қаторида Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч билан қарашни ўрганади.

Ҳар бир она ва бола фаровон ҳаёт кечиради

Учинчи Ренессанс бунёдкорлари бўлимиш қорақалпоғистонлик болаларнинг муносиб шароитларда улғайиши, униб-ўсишини таъминлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар қўғоздаги ҳисоботлар, баландларвоз сўзлар эмас, амалдаги ислохотлар билан ўз тасдиғини топишмоқда. Буну шу ўлкада яшаётган оила-лар, ота-оналар фарзандларининг чакнаб турган кўзларида кўраётган бўлса ажабмас. Боиси ҳар бир бола учун ажратилаётган маблаглар, бепул берилаётган витаминлар комплекси ва йод препаратлари, мунтазам ўтказилаётган тиббий қўриқлар, дори-дармонни ўз ичига олган даво муолажалари — навқирон авлодининг бахтли ҳаётини таъминлашнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қилади.

— Болаларимизнинг соғлом ўсиши, уларда уч-райдиган касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Гаўҳар Абдисметова. — Аиникса, гелиминтоз каби кўп учрайдиган касалликларни барвақт аниқлаш мақсадида 2 — 10 ёшли болалар ўртасида, шунингдек, камқонлик-

ни эрта босқичда аниқлаш учун 15 ёшли қизлар орасида скрининг дастурларини амалга оширишни режа қилганмиз.

Оналар ва болалар саломатлигини асраш, уларнинг ўлимига олиб келувчи омилларни бартараф этиш, аҳоли, жумладан, кичик ёшдаги болаларда онкологик хасталикларни эрта аниқлаш мақсадида манзилли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шу режа асосида тиббиёт ходимларининг билим ва амалий кўникмаларини кенгайтиришга қаратилган тизимли ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи тўрт ойи мобайнида 18 ёшгача бўлган 685 минг 823 нафар боладан 243 минг 245 нафари профилактик тиббий қўриқдан ўтказилди. Қўриқ натижасида 56 минг 527 нафар болада турли даражадаги касалликлар аниқланди. Улардан 45 минг 211 нафари соғломлаштирилди, 11 минг 316 нафар боланинг соғлиғи эса ҳозирги кунда қайта тикланмоқда.

Бундан ташқари, “Vision 2023” ишонч жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи ҳамда БМТнинг ЮНИСЕФ ва ЮНИФА агентликлари ҳамкорлигида “Ҳар бир она ва бола омон қолади, фаровон ҳаёт кечиради” лойиҳаси доирасида республикадаги 18 та туғируқ муассасасида акушер-гинекологлар, неонатологлар ҳамда доялар учун малака ошириш курслари ташкил этилди.

Муддатидан аввал туғилган гўдак-

лар ҳаётини сақлаб қолиш устувор вазифадир. Қўнғирот туманида янгидан очилган туманлараро перинатал марказида чакалоқлар реанимацияси бўлими фаолияти йўлга қўйилиш арафасида. Шунингдек, Чимбой ва Беруний туманларида ҳам ана шундай мутахассислашган бўлимлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Умид ва ишонч куёши

Яна бир муҳим йўналиш — вирус-ли гепатит “А” касаллигининг олдини олиш бўлиб, шу йилнинг ўзида 4 ёшдаги 37 минг нафар бола ўртасида ушбу хасталикка қарши режали даволаш тadbирлари белгиланган. Айни пайтда даволанувчи болалар рўйхати шакллантирилган бўлиб, уларни соғломлаштириш учун зарур маблағлар ажратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мана шундай тизимли чоралар натижасида 2025 йилнинг тўрт ойи мобайнида гўдаклар ўлими ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 43 ҳолатга камайди. Интенсив кўрсаткич 2,5 промиллега пасайди.

Бу эса мамлакатимизда она ва бола саломатлиғига қаратилаётган эътибор самараси, келажакимиз бўлган фарзандларимизнинг соғлом ва бахтли қамол топишига қаратилган изчил саъй-ҳаракатларнинг ёрқин намунасидир.

Сирасини айтганда, қорақалпоғистонлик болалар бугун ҳам иқлими оғир, тоза ичимлик суви танқис муҳитда яшамокда. Аммо уларнинг қалбида қувонч ва ишонч, ҳаракатларида шижоат ва ғайрат, руҳида қатъият ва кўтаринчилик бор. Зеро, давлат гамжўрлиги, жамиятнинг улкан масъулияти, ота-оналарнинг туғанмас меҳр-муҳаббати ҳар бирага куч-қувват баш ш этиб турибди. Ёш авлод ўз олдига юксак марралар қўйиб, уларнинг рўёби сари дадил илдамламоқда.

Қорақалпоқ элида “Ҳар бола — бир офтоб” деган нақл бежиз айтилмайди. Ҳар гўдак улкан меҳр ва эътибор билан қамолга етказилса, у келгусида хонадонни, овулни, мамлакатни, бутун дунёни эзгуликка тўлдирши, янги тараққиёт босқичига олиб чиқиши — нурга, зиёга чулғашаи мумкин. Бугун қорақалпоқ элининг куёшли болалари бирлашиб, улкан умид куёшига айланмоқда. Бу қуёш ҳар бир бола учун ёрғу ва нурафшон келажакка пайваста бўлади.

Наргиза ЮНУСОВА,
Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).



Коронавируслнинг янги тўлқини

Таиланд, Хитой ва Сингапур ҳукуматлари аҳолининг COVID-19 билан касалланиш ҳолатлари кўпайгани сабабли барчани ниқоб тақишга чақирди.

Япониядаги “Nikkei Asia” нашрининг хабар беришича, Таиландда жорий йил январдан май ойининг ўрталарига қадар 187 31 та ҳолатда COVID-19 касаллиги қайд этилган, 46 киши ҳаётдан кўз юмган. 18 — 24 май кунлари эса 53 597 та ҳолат аниқланган.

Хитой касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказининг маълумотларига кўра 28 апрелдан 4 майгача давлат шифохоналарида олиб борилган COVID тестлари-нинг 15,8 фоизи ижобий синаовдан ўтган. Бу 24 — 30 март кунларига қараганда 6,3 фоизга кўп дегани. Апрель ойида

Хитойда 168 507 та ҳолат тасдиқланган, жумладан, тўққиз нафар бемор вафот этган.

Сингапур расмийлари май ойи бошланишидан бир ҳафта олдин COVID-19 билан касалланиш ҳолат-лари 14 200 тани ташкил этганини эълон қилди. Бир ҳафта олдин бу кўрсаткич 111 000 та бўлган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дунё бўйлаб 28 кун ичида (11 майгача) аниқланган 91 583 та COVID ҳолати ҳақида хабар бермоқда. Энг кўп ҳолат Таиландда аниқланган, ундан кейин-ги ўринларни Бразилия, Буюк Британия, Греция ва Франция банд этмоқда.

Ўрмон ёнғинлари кучаймоқда

Канаданинг Манитоба музофотида бошланган ёнғин ўн минглаб гектар майдонни қамраб олгани боис 17 мингдан зиёд аҳоли эвакуация қилинди. Минтақада ёнғинларнинг 22 та йирик ўчоғи қайда этилган. Улардан бири Флин-Флон шаҳрига яқин ҳудудда жойлашган бўлиб, қарийб 20 минг гектарни эгаллайди.

Маҳаллий ҳукумат Манитоба ҳудудида 30 кунлик фавуқлода ҳолат эълон қилди. Зарурат туғилса, у яна узайтирилиши мумкин. Ёнғинларни ўчирishiа мамла-катнинг бошқа ҳудудларидан ҳам кучлар жалб этилган.

Тоғдан қўлаган музлик бир қишлоқни вайрон қилди

“SRF” телерадиокомпанияси муҳбири хабар беришича, минг метр юқоридан қўлаган улкан муз ва тош массалари Лётченталь водийсидаги Блаттен аҳоли пунктини ер билан яксон қилди. Эвакуация чоралари кўрилганига қарамай бир кишининг бедарак йўқолгани айтилмоқда.

Лонз дарёси ва Гизантелла ирмоғи оқимлари тўсилса-да, сув тошқинлари хавфи юзага келгани боис яқин атрофдаги Вилер ва Киппель ҳудудлари аҳолиси яшаш жойларини тарк этишга мажбур бўлган.

Мутахассислар бу ҳодисани йирик фалокат сифа-тида баҳоламоқда.

Уларнинг огоҳлантиришича, музликларнинг тез эриши Швейцариядаги бошқа қўллаб шаҳарлар учун ҳам жиддий таҳдид тўғдириши мумкин.

Янги конетитуция лойиҳаси тайёрланмоқда

Туркиянинг “TRT Global” корпорацияси вакили хабар беришича, Президент Режеп Таййип Эрдоган ўн нафар ҳуқуқшуносдан иборат экспертлар гуруҳи янги конституция устида ишлашга жалб этилганини билдирган.

Туркия етакчиси асосий мақсад — ҳарбий тўнта-ришлар даврининг изларидан холи бўлган янгилан-ган конституцияни яратиш эканини таъкидлаган. Унинг сўзларига кўра “1982 йилги Конституцияда ҳар-бий режим изларини ўзида акс эттирган. Янги, фуқаролик Конституцияси бу қолдиқлардан халос бўлиш ва ўтмишнинг оғир юкини ташлаш имконини беради”.

Президент ҳукумат “янги Конституцияни ҳуқуқ тизи-мига тўлиқ ва кенг қамровли эркинликлар хартияси сифатида қиритишга қатъий аҳд қилганини” айтиди. Ва бу жараёнда бошқа парламент партиялари ҳам ишти-рок этишига умид билдирди.

Табийй офат оқибатида қўрбонлар бор

“Anadolu” ахборт агентлиги хабарига кўра Покистонда юз берган кучли ёнғингарчилик оқибатида камида олти киши ҳалок бўлган, яна 20 нафари жароҳат олди. Хусусан, Кашмирда уч киши ҳалок бўлгани ва бир киши бедарак йўқолгани тасдиқланган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 30 дан ортиқ уйлар вайрон бўлган.

Панжоб вилоятида кучли довул оқибатида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларида икки киши ҳалок бўлди ва яна 15 киши жароҳатланди. Бундан ташқари, бинолар қулаши оқибатида тўрт киши жароҳат олган. Хайбер-Пахтунхва музофотида том қулаши оқибатида бир бола ҳалок бўлгани, икки киши жароҳатлангани айтилмоқда. Бўрон электр таъминотида кенг қамров-ли узилишларга сабаб бўлган ҳамда уйлар, қишлоқ ҳўжалиғи ерлари ва инфрақузилмага зарар етказган.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ТАРИХИЙ МЕРОС ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН АЛОҚАЛАР

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Италия Марказий Осиё ҳамда Европа қитъасида дўстлик ва ҳам-корлик ришталарини янада мус-таҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган фаол давлатлар сифа-тида майдонга чиқмоқда. Айниқ-са, Ўзбекистонда 2017 йилда бошланган ислохотлар ва очиклик даврида ўзбек — итальян муноса-батлари жадал ривожланди. Бу-нинг далили сифатида икки мамлакат ўртасида тобора ри-вожланиб бораётган фан-таълим ва маданият соҳаларида-ги ютуқларни кўрсатиш мумкин.



Икки мамлакат ўртасидаги таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорликнинг кенгайиб бо-раётгани, бу муносабатлар дав-латлар раҳбарларининг стра-тегик ёндашувиغا асосланган-ини таъкидлаш жоиз. Бунинг амалий натижаси ўлароқ Тур-рин политехника университете-ти ва Пиза университетининг Тошкентдаги филиаллари, Ўзбекистон — Италия муҳан-дислик мактаби фаолият юритмоқда. Ушбу таълим му-ассасалари ёш мутахассислар тайёрлашда муҳим ўрин тут-моқда.

Таълим соҳасида замонавий ёндашувлар, илгор рақамли технологиялар ва инновацион ўқитиш усулларини жорий этиш, қўшма таълим дастур-ларини ташкил қилиш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ҳамда талабалар ва профес-сор-ўқитувчиларнинг академик мобиллигини кенгайтириш бўйича бошланган ишлар из-чил давом этаётганини эъти-роф қилсак арзийди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Италия ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқалар тарихий мерос ва умуминсо-ний қадриятларга таянади. 2023-2024 йилларда Тошкент ва Рим шаҳарларида ўтказил-ган “Италия маданияти кунла-ри”, “Ўзбекистон санъати ҳаф-талиғи”, кинофестиваллар ва кўргазмалар икки халқ ўртаси-даги маданий яқинлиқни яна-да мустаҳкамлади.

Бундан ташқари, буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудин-нинг 542 йиллиги муносабати билан Италияда “Бобурнома” асарининг итальян тилидаги таржимаси чоп этилгани эъти-борга молик. Мазкур нашр буюк аждодимиз ижодининг Италияда, умуман, Европада-ги маданий жамоатчилик ора-сида, академик доираларда янада кенг тарқалишига хизмат қилади. Бу ижодий лойиҳанинг рўёбга чиқарилга-ни ўзбек ва итальян олимлари ўртасидаги илмий алоқаларни янги поғонага кўтарди, десак, аини ҳақиқат.

Умуман олганда, Италияда Амир Тему-р ва теурийларга, Бобур ва бобурийлар мероси-га ҳурмат-эътибор юқори. Жумладан, Флоренциядаги Уфимчи галереясида соҳиб-қирон Амир Тему-рнинг ноёб портрети қўйилган. Болонья университети кутубхонасида эса Абу Али ибн Синонинг бир қатор кўлёзма асарлари сақ-ланади.

Бу эса сўнгги йилларда янги босқичда кўтарилган икки дав-лат ўртасидаги ҳамкорлиқни, шунингдек, халқларимиз дўстлигини янада мустаҳкам-лаш ва кенгайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофас ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси.

Ўзбекистон — Италия:

БАРЧА СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КўТАРИЛАДИ

Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелонининг 28-29 май кунлари мамлакатимизга расмий таширифи икки давлат ўртасидаги тарихий яқин алоқаларни ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга, олий даражадаги музокаралар чоғида эришилган келишувларни амалга оширишда янги босқични бошлаб беришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди, десак, янглишмаймиз.

Бинобарин, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги музока-раларда Ўзбекистон ва Италия ўрта-сида кўп қиррали ҳамкорлиқни кен-гайтириш масалалари кўриб чиқилди ва Стратегик шериклик муносабатла-рини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма декларация қабул қилинди.

Кайд этиш кераки, Италия — юксак ривожланган индустриал-аграр мамла-кат бўлиб, жажон сиёсатида муҳим роль ўйнайди. Хусусан, Европа Итти-фоки доирасида ва йирик давлатлар билан мустаҳкам алоқаларга эга. У “G7” ва Европа Иттифогининг асосий аъзоси, БМТ ҳамда НАТО каби халқа-ро ташкилотларнинг фаол иштирокчи-си. Италия кўп томонлама муносабат-ларнинг муҳимлигини тан олади ва глобал соғлиқни сақлаш, иқлим ўзга-риши ва миграция каби масалалар бўйича халқаро ҳамкорликда фаол қат-нашади.

Ушбу давлат билан иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Италия ривожланган иқтисодиётга эга бўлиб, у евроҳудудда учинчи ва но-минал ялпи ички махсулот бўйича дунёда саккизинчи ўринда туради. Шунингдек, умр кўриш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида ҳам юқори натижаларга эришган. Мамла-кат ўзининг ижодий ва инноваци-он бизнеси, рақобатбардор қишлоқ ҳўжалиғи сектори ҳамда нуфузли ва юқори сифатли автомобиль, маши-насосозлик, озиқ-овқат, дизайн ва мода саноати билан машғур.

Икки давлат раҳбарлари ўртасида-ги музокараларда ҳамкорликнинг қатор устувор йўналишларига алоҳида эъти-бор қаратилди. Жумладан, инноваци-он лойиҳалар, ўта муҳим минераллар ва қишлоқ ҳўжалиғи, миграция, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергетика, автомобилсозлик, электротехника, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш, тўқимачилик ва бошқа йўналишлар қайд этилди.

Ҳамкорлиқнинг ушбу йўналишлари



танлангани бежиз эмас. Мамлакат ҳўжалиғи-нинг айрим соҳаларига тўхталадиган бўлсак, Ита-лияда азал-дан қишлоқ ҳўжалиғи рив-ожланган бўлиб, у дунёдаги энг йирик вино ишлаб чиқарувчиси, шунингдек, мева-лар ва сабзавотларни етиштиришда етакчи ҳисобланади.

Италия қайта тикланадиган энергия бўйича дунёдаги энг йирик ишлаб чи-қарувчилардан бирига айланиб, Евро-па Иттифоқида иккинчи ва дунёда тўққизинчи ўринни эгалламоқда. Шамол энергетикаси, гидроэнергетика ва геотермал энергия мамлакатда электр энергиясининг муҳим манба-лари саналади. Мамлакатда ҳозирда қайта тикланадиган манбалар ўзининг энг юқори улушига эришди ва энер-гия талабининг 41 фоизини қоплади. 2030 йилга қариб Италия ўз электр энергияси таркибининг 55 фоизини қайта тикланадиган манбалардан олишни мақсад қилган.

Европада ҳам, бутун дунёда ҳам энг муҳим автомобиль ишлаб чиқа-рувчилардан бири бўлган Италия ҳашаматли брендлари, пойга автомо-биллари, дизайни ва ишлаб чиқариш сифати билан дунё миқёсида танил-

Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелонининг таширифи давомида эришилган келишувлар 2023 йил июнь ойида Ўзбекистон Президентининг Рим шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувларининг мантйқий давоми бўлди. Улар икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш, Европа Иттифоқи давлатлари билан алоқаларни кенгайтиришда янги босқични белгилаб берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Халқаро ишлар, мудофас ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси.

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.10 Топширилди — 02.15 1 2 3 4 5 6

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи».

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.10 Топширилди — 02.15 1 2 3 4 5 6